



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ

**ВАЗИРЛИК ВА ИДОРALAR ИЧКИ АУДИТ
ХИЗМАТЛАРИНИНГ 2024 ЙИЛДАГИ
ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН**

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ

Тошкент 2025 йил

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Ички аудит хизматлари фаолиятини услубий таъминлаш	5
II. Сертификатлашни ташкил этиш ва ички аудит хизмати ходимлари малакасини ошириш	6
III. Ички аудит хизматлари фаолиятининг ташкил этилиши ҳамда уларнинг фаолиятини жамоатчиликка очиқлаш.....	8
IV. Ички аудит хизматлари фаолияти натижалари ҳамда фуқаролар иштирокидаги аудит тизими.....	10
V. Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари	14
VI. Ички аудит хизматлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича халқаро ҳамкорлик	16
VII. Ички аудит хизматлари ходимларини малакасини оширишга қаратилган семинарлар (тренинглари)нинг ўтказилиши.....	17
VIII. Келгусидаги режалар	17
Иловалар.....	19

Кириш

Сўнги йилларда мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш, жумладан, давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини ошириш, бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикасини кучайтириш ва масофавий назоратни кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада вазирлик ва идораларда асосий вазифаси бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет тўғрисидаги қонунчилик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва бюджет харажатлари самарадорлигини таҳлил қилиш ҳисобланган ички аудит хизматлари фаолияти йўлга қўйилди.

Ушбу ислохотлар доирасида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги марказий аппаратида Давлат органларининг ички аудит хизматлари фаолиятини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси (кейинги ўринларда - Бошқарма) ташкил этилди ҳамда унга вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини услубий таъминлаш, ички аудиторларга малака сертификатини бериш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш ҳамда ички аудит хизматларининг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди.

Бошқарма томонидан шу кунга қадар ички аудит хизматлари фаолиятини тартибга солувчи 10 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди (<https://www.imv.uz/static/davlat-ichki-auditi-sohasidagi-gonunchilik-hujjatlari>), ички аудит хизматлари ходимларининг малакасини сертификатлаш, малакасини ошириш тизими жорий этилди, уларнинг фаолиятини баҳолаш йўлга қўйилди.

2024 йилда Жаҳон банкининг Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (Public Expenditure and Financial Accountability – PEFA) **мезонлари бўйича** Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини бошқариш самарадорлиги баҳолашдан ўтказилди. Мазкур баҳолаш доирасида **“ички аудит” компоненти В+ (яхши) даражасида баҳоланди** (*маълумот учун, 2019 йилда ушбу компонент D+ (қониқарсиз) даражасида баҳоланган эди*).

Шунингдек, Жаҳон банкининг Давлат молиясини бошқариш бўйича халқаро ҳамкорлик таълим дастури (PEMPAL) томонидан давлат органларида ички аудитни ташкил этилиши бўйича Ўзбекистон тажрибаси **“маваффақиятли амалиёт”** сифатида эътироф этилди (<https://www.pempal.org/uzbekistan-shaping-future-internal-audit>).

Шу билан бирга, Ўзбекистон амалиёти замонавий тажрибаларни самарали татбиқ этаётган 4 мамлакат (*Ўзбекистон билан бирга Албания, Грузия ва Молдова*) қаторидан жой олди. Бунда, мамлакатимиз давлат органларида ички аудитни ташкил этилиши РЕМРАЛ томонидан 100 баллик тизимда 2021 йилда 25 баллга лойиқ кўрилган бўлса, 2024 йилга келиб 77 балга баҳоланган.

Мазкур ҳисоботда 2024 йил давомида Бошқарма томонидан ички аудит хизматлари фаолиятини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари (кейинги ўринларда – ички аудит хизматлари) фаолияти натижалари келтирилган.

I. Ички аудит хизматлари фаолиятини услубий таъминлаш

2024 йилда ички аудит хизматлари фаолиятини **услубий таъминлаш** юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

а) Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг марказий аппаратида ички аудит хизматларини ташкил этиш мажбурий этиб белгиланди.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармонида бу бўйича тегишли ўзгартириш киритилди (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 декабрдаги ПФ–227-сонли Фармони*);

б) Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартиби тасдиқланди (*Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 2 декабрдаги 198-сон буйруғи, Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 12 декабрда 3583-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*).

Бунда, ички аудит хизмати раҳбари ва ходимининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ҳамда рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлиги рейтингини юритиш тартиби тасдиқланди.

в) Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бунда, ички аудит фаолиятига оид Ҳукумат қарорларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги ПФ–100-сон Фармонидан келиб чиқадиган, шунингдек, ички аудит хизматлари фаолиятини ташкил этиш, ички аудит хизматлари ходимлари малакасини сертификатлаш ҳамда ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тизимларини такомиллаштириш юзасидан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши белгиланган.

г) Вазирлар Маҳкамасининг “Хавфларни бошқариш тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур лойиҳада республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида хавфларни бошқариш тизимини жорий этиш тартиби ва уларда Хавфларни бошқариш қўмитаси тўғрисидаги низом тасдиқланиши кутилмоқда.

д) Вазирлар Маҳкамасининг “2025 – 2027 йилларда вазирлик ва идораларда ички назорат тизимини янада такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу лойиҳада вазирлик ва идораларда ички назорат тизимини халқаро тан олинган стандартлар асосида йўлга қўйиш, ички назорат тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, хавфларни бошқариш ва ички назорат бўйича ходимларни ўқитиш, малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, ички назорат тизимини баҳолаш механизмларини жорий этиш билан боғлиқ нормалар киритилган.

Жумладан, халқаро тан олинган стандартлар қаторида лойиҳада Халқаро ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган “Уч бўғин” ҳамда Тредвей комиссиясининг ҳомий ташкилотлар қўмитаси (The Committee of Sponsoring Organizations of the Treadway Commission (COSO) томонидан ишлаб чиқилган “Ички назорат – интеграциялашган (Internal Control – Integrated Framework) модел”ларидан фойдаланилган.

Шунингдек, мазкур лойиҳани ишлаб чиқишда Жаҳон банкининг “Институционал салоҳиятни ривожлантириш” лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган “Давлат ички назорати ва ички аудит тизимини такомиллаштириш” сублойиҳаси доирасида PWC халқаро консалтинг ташкилоти билан ҳамкорлик қилинди. Мазкур ишлаб чиқилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари белгиланган тартибда тегишли ташкилотларга қарор қабул қилиш учун киритилган.

II. Сертификатлашни ташкил этиш ва ички аудит хизмати ходимлари малакасини ошириш

2024 йилда Ўзбекистон Аудиторлар палатаси билан биргаликда ички аудит миллий малака сертификатини олишга талабгорлар учун ҳар ой малака имтиҳонлари ташкил этилди. Шунингдек, Бошқарма томонидан белгиланган тартибда малака имтиҳони учун тузилган тест саволлари кўриб чиқилди ҳамда имтиҳон ва апелляция комиссиялари таркибида Бошқарма ходимлари комиссия аъзолари сифатида иштирок этди.

Мазкур ташкил этилган малака имтиҳонларида 2024 йил давомида **476 нафар** талабгор иштирок этди ва уларнинг **245 нафари** малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳолда сертификатга эга бўлди (1-жадвал).

1-жадвал

Ички аудит миллий малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларида қатнашган талабгорлар ҳамда сертификатга эга бўлган ходимлар ҳақида маълумот

(2023 – 2024 йиллар кесимида)

Т/р	Йиллар	Малака имтиҳонини қатнашган талабгорлар	Сертификатга эга бўлган ходимлар	Фоизда
1	2023 йил	1 248	472	38%
2	2024 йил	476	245	51%

Ҳозирда Бошқарма томонидан амалдаги тартибга мувофиқ Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтида Ички аудит миллий малака сертификатлари реестри юритилмоқда (қуйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <https://www.imv.uz/oz/statistic/category/ichki-audit-milliy-malaka-sertifikatlari-reestri>).


Мазкур реестрда ички аудит миллий малака сертификати эгалари, сертификатларнинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати ҳамда малака оширишга оид маълумотлар киритилган.

Шу билан бир қаторда, вазирлик ва идораларнинг ички аудит штат бирликларида ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлмаган ходимларнинг фаолият олиб бориши тақиқланганлиги сабабли, Ички аудит миллий малака сертификатлари реестри “Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими” дастурий-аппарат комплексининг маълумотлар базаси билан интеграция қилинди.

Шунингдек, ҳисобот даврида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида ташкил этилган малака ошириш курсларида **16 та** вазирлик ва идораларнинг **55 нафар** ички аудит хизматлари ходимлари малакаси оширилди (1-расм).

Вазирлик ва идоралар ички аудит хизматларининг малака оширишда қатнашган ходимлари тўғрисида маълумот

(2022 – 2024 йиллар кесимида)



III. Ички аудит хизматлари фаолиятининг ташкил этилиши ҳамда уларнинг фаолиятини жамоатчиликка очиқлаш

1. Вазирлик ва идораларда ички аудит хизматларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” **ПФ–14-сонли** Фармони ҳамда 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ–4938-сонли** қарори билан белгиланган.


Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги **416-сон** қарори билан ички аудит хизматларига **бюджет интизомини мустаҳкамлаш, бюджет соҳасига оид қонунчилик ҳужжатлари бузилишини олдини олиш (профилактика)** ҳамда **бюджет харажатлари самарадорлигини таҳлил қилиш вазифалари** юклатилган.

2025 йил 1 январь куни ҳолатига ички аудит хизматлари фаолияти **38 та** вазирлик ва идораларда, шу жумладан, **16 та** вазирлик, **5 та** қўмита, **11 та** агентлик ва **6 та** бошқа ташкилотларда йўлга қўйилган.

Шунингдек, ушбу кун ҳолатига вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматларида жами **236 та**, шу жумладан вазирликларда **174 та**, қўмиталарда **15 та**, агентликларда **23 та** ва бошқа ташкилотларда **24 та** штат бирликлари мавжуд ҳамда уларда **206 нафар** ходим фаолият олиб бормоқда (2-расм).

2-расм

Вазирлик ва идораларда ички аудит хизматлари ва уларда мавжуд штат бирликлари
(2022 – 2024 йиллар кесимида)



2. Ички аудит хизматлари фаолияти натижаларининг очиқлигини таъминлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий сайтида қуйдаги маълумотларни ўз ичига олувчи “Давлат ички аудити” деб номланган махсус саҳифа яратилди ҳамда доимий янгилаб борилмоқда:

- давлат ички аудити соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари;
- ички аудит миллий малака сертификати реестри;
- малака оширишга оид маълумотлар;
- ички аудит тузилмаси мавжуд вазирлик ва идоралар;
- ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш;
- халқаро ҳамкорлик, семинар ва тренинглар;
- халқаро фойдаланишдаги қўлланмалар.

Шу билан бирга, ички аудит хизматлари томонидан ўзларининг фаолияти натижаларига оид маълумотлар вазирлик ва идораларнинг веб-сайтларида яратилган махсус “ички аудит” бўлимига жойлаштириб борилмоқда (1-илова).

IV. Ички аудит хизматлари фаолияти натижалари ҳамда фуқаролар иштирокидаги аудит тизими

1. Ички аудит хизматларининг **2024 йилдаги фаолияти натижалари қуйидагилардан иборат:**

– ички аудит хизматлари томонидан 2024 йил давомида **816,3** млрд сўмлик мақсадсиз ва самарасиз харажатлар олди олинган ва маблағлар мақбуллаштирилган ҳамда бухгалтерия ҳисобидаги **499,1** млрд сўмлик молиявий хато ҳамда камчиликлар бартараф этилиши орқали **бюджет интизоми мустаҳкамланиши таъминланган (2-жадвал).**

2-жадвал

Ички аудит хизматлари томонидан профилактика тадбирлари натижасида олди олинган (бартараф этилган) самарасиз харажатлар ҳақида маълумот

(2022 – 2024 йиллар кесимида)

млрд сўмда

Т/р	Йиллар	Профилактика натижасида олди олинган самарасиз харажатлар		Шундан			
				Олди олинган ноқонуний харажатлар		Бартараф этилган услубий хатоликлар	
		тадбирлар сони	суммаси	тадбирлар сони	суммаси	тадбирлар сони	суммаси
1	2022 йил	1 049	1 006,6	731	307,6	318	699,0
2	2023 йил	518	1 234,7	361	150,0	157	1 084,7
3	2024 йил	602	1 315,4	422	816,3	181	499,1

– масофавий аудит қамрови ва сифатини ошириш ҳамда ички аудит хизматлари ходимларининг молиявий фаолиятга оид маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида янгиланган “UzASBO” дастурий мажмуасида ички аудит хизмати ходимлари учун масофавий аудитни амалга оширишга мўлжалланган махсус “камерал” модул ишлаб чиқилди. Мазкур модулдан фойдаланган ҳолда бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятига оид маълумотларни таҳлил қилиш учун ички аудит хизмати ходимларига **логин ва пароллар тақдим этилди.**

Амалга оширилган ишлар натижасида ички аудит хизматлари томонидан 2024 йил давомида ўтказилган масофавий аудит тадбирларида **490,6** млрд сўмлик **молиявий хато ва камчиликлар аниқланган ва улардан 386,0** млрд сўмлик хато ва камчиликлар олди олинган, **25,0** млрд сўми тегишли бюджетларга тикланган (3-жадвал).

3-жадвал

Ички аудит хизматлари томонидан ўтказилган масофавий аудит натижалари


(2022 – 2024 йиллар кесимида)

млрд сўмда

Т/р	Йиллар	Масофавий аудит натижасида аниқланган хато ва камчиликлар		Шундан	
				Олди олинган молиявий хато ва камчиликлар	
		объектлар сони	суммаси	объектлар сони	суммаси
1	2022 йил	1 012	468,0	429	416,3
2	2023 йил	2 005	194,0	1 862	168,9
3	2024 йил	2 080	490,6	1 246	386,0

– ички аудит хизматлари томонидан ўтказилган **1 128** та ички аудит тадбирлари натижасида **бюджет ташкилотларига молиявий интизомни мустаҳкамлаш юзасидан** киритилган **3 234** та **таклиф ва тавсияларнинг 3 040** таси ёки **94** фоизининг ижроси таъминланган (3-расм).

**Ички аудит хизматлари томонидан берилган таклиф
ва тавсияларнинг бажарилиши**
(2022 – 2024 йиллар кесимида)



– ички аудит хизматлари томонидан уларнинг 2024 йил учун йиллик режаларига киритилган **618** та ички аудит тадбирининг **560** таси ёки **91** фоизи ўтказилган (4-расм).

Маълумот учун: 2024 йилда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (22%), Транспорт вазирлиги (25%), Ёшлар ишлари агентлиги (38%), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (63%) ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигида (67%) йиллик режанинг бажарилиш кўрсаткичи паст бўлган.

**Ички аудит хизматлари томонидан йиллик режасининг
бажарилиши**
(2022 – 2024 йиллар кесимида)



– ички аудит хизматлари томонидан 2024 йил давомида **1 519,6** млрд сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланган ҳамда уларнинг **56,8** млрд сўми тегишли бюджетларга тикланган.

– ҳисобот даврида **29** та вазирлик ва идораларнинг 2024 йил учун **123,1** трлн сўм миқдоридаги бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган **293** та бевосита ва **186** та якуний самарадорлик индикаторлари ижроси юзасидан ҳисоботлар ички аудит хизматлари томонидан таҳлил қилинган. (2-илова).

– 2024 йил давомида Ҳисоб палатасининг “Масофавий назорат” маркази орқали аниқланган ва тақдим этилган **17** турдаги **12,9** трлн сўмлик **284,5** мингта ҳолатдаги қонунбузилиш хавфлари ички аудит хизматлари томонидан ўрганилди.

Ўрганиш натижасида **341,2** млрд сўмлик (**2,6 фоизи**) **165,4** мингта ҳолатда (**58 фоизи**) қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги тасдиғини топди (4-жадвал).

4-жадвал

Ички аудит хизматларига "Масофавий назорат" маркази орқали юборилган хавфлар ва уларнинг ижроси

млрд сўмда

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	Ўрганилган хавфлар		Молиявий хато ва камчилик аниқланган хавфлар	
		сони	суммаси	сони	суммаси
Жами		284 464	12 921,3	165 408	341,2
1	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	131 019	948,4	106 766	187,0
2	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	79 740	922,1	25 982	107,6
3	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	27 487	158,0	27 353	1,0
4	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	25 544	273,7	220	0,9
5	Маданият вазирлиги	6 865	276,5	4 049	11,6
6	Спорт вазирлиги	5 743	90,7	1	0,02
7	Бандлик вазирлиги	4 735	32,4	21	1,0
8	Сув хўжалиги вазирлиги	3 272	3 405,5	58	11,7
9	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	2 856	35,2	794	1,5
10	Транспорт вазирлиги	1 619	609,7	94	13,2
11	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	523	6 163,6	2	0,3
12	Адлия вазирлиги	517	5,6	517	5,6

2. Фуқаролар иштирокидаги аудит тизими орқали 2024 йил давомида ички аудит хизматлари томонидан “Давлат аудити” дастурида энг кўп марта танланган **5 та** назорат объектларида аудит тадбирлари ўтказилди ва унинг натижалари дастурга киритилди. Бунда “Давлат аудити” дастурида фуқаролар иштирокидаги аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг киритилиши мониторинг қилиб борилди.

Ўтказилган 5 та тадбир натижалари фуқаролар томонидан ўртача **4 балл**, яъни, **“яхши”** деб баҳоланди (*қуйидаги ҳавола орқали манишишингиз мумкин: <https://davlatauditi.uz/audit-suggestion/winner-control-object>*).

V. Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сонли қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, ички аудит хизматлари томонидан ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятни такомиллаштириб бориш мақсадида **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш амалга оширилди.**

2024 йилда хавф таҳлили асосида танлаб олинган **15 та** вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматларида (*жами ички аудит хизматлари мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг **42 фоизи***) **баҳолаш ўтказилди** (3-илова).

Маълумот учун: Баҳолаш ўтказилган ички аудит хизматлари ўз фаолиятида давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг **11 фоизини (30,3 трлн сўм)** ёки вазирлик ва идоралар тизимидаги бюджет ташкилотларининг **19 фоизини (4 660 та)** қамраб олади.

Баҳолаш ички аудит хизматлари фаолиятини тегишли қонунчилик ҳужжатлари асосида ташкил этилиши, хавф таҳлили тизимининг йўлга қўйилиши, ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаш-тирилиши, аудит тадбирлари натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсия (чора-тадбир)ларнинг ижро этилиши ва ходимларнинг малака даражасини қамраб олган 7 та йўналишдаги намунавий саволномага балл бериш орқали амалга оширилди.

Баллар 0, 1 ва 2 шаклида берилиб, бунда 2 балл амалиётнинг норматив ҳужжатларга мувофиқлигини акс эттиради. 1 балл айрим ҳолатлардаги оралиқ мувофиқликни англатади, 0 балл эса амалдаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинмаганлик ёки номувофиқлик ҳолатларини акс эттиради.

Жами баллар йиғиндисини йўналишлар вазнига кўпайтириш орқали ҳосил қилинган натижаларининг умумий максимал балдаги улуши ички аудит хизматлари сифат даражасини кўрсатади.

Маълумот учун: Баҳолаш натижаларига кўра, ички аудит хизмати фаолиятининг сифат даражаси 90 фоиз ва ундан юқори бўлганда “юқори”, 70–90 фоиз оралиғида бўлганда “ўрта”, 70 фоиздан кам бўлганда “паст” деб баҳоланади.

Баҳолаш натижасига кўра, **10 та (67,0%)** вазирлик ва идораларда ички аудит хизматлари фаолияти “ўрта” ва қолган **5 та (33,0%)** вазирлик ва идораларда “паст” даражада баҳоланди.

Баҳолаш натижалари асосида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан **ҳар бир вазирлик ва идоралар бўйича чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, уларнинг биринчи раҳбарлари томонидан тасдиқланди.**

Вазирлик ва идоралар томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режаларида ички аудит хизматлари фаолиятини қонунчиликка мувофиқ йўлга қўйиш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга оид **158 та вазифалар белгиланди** ҳамда 2024 йил давомида ушбу вазифаларнинг **154 тасининг ижроси таъминланди.**

Мазкур чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда ички аудит хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида Ички аудит хизматлари томонидан ҳар чорак якунида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳисоботлар тақдим этилди.

Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича 2024 йилнинг I ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлари Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Шу билан бирга, ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича 2024 йилнинг I ярим йиллик ва йиллик ҳисоботлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг веб-сайтида эълон қилинди (қуйидаги ҳавола орқали танишишингиз мумкин: <https://www.imv.uz/static/2024-yil-2>).

VI. Ички аудит хизматлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича халқаро ҳамкорлик

1. 2024 йил давомида “PricewaterhouseCoopers – халқаро консалтинг компанияси” (PWC) томонидан тайёрланган **“Ўзбекистонда давлат органлари давлат ички назорати баҳолаш ҳисоботи”** ва **“Давлат ички назоратини жорий этиш ва ташкил этиш бўйича халқаро тажриба таҳлили ҳамда Ўзбекистонда татбиқ этилиши бўйича ҳисобот”** кўриб чиқилди ҳамда қабул қилинди. Улар асосида Ўзбекистонда ички назоратни ташкил этиш бўйича қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилди.

2. Жаҳон банки иштирокида “Институционал салоҳиятни ошириш лойиҳаси” доирасида **Ўзбекистон Республикаси давлат секторида ички аудит хизматлари ходимларини тайёрлаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш бўйича маслаҳатчи олиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилди** ҳамда мазкур хизмат хариди учун белгиланган тартибда **тендер эълон қилинди**.

3. 2024 йил давомида Бошқарма ходимлари ички аудит ва ички назоратни такомиллаштиришга оид хорижий давлатларда ташкил этилган **4 та** семинар ва тренингларда иштирок этиб, малака оширдилар.

Жумладан, Жаҳон банки кўмагидаги Давлат молиясини бошқариш бўйича халқаро ҳамкорлик таълим дастури (PEMPAL) доирасида:

– Австрия давлатининг Залсбург шаҳрида давлат секторида ички аудитнинг ташкил этилиши, ҳисобдорлик ва фаолиятни рақамлаштиришга оид тажрибалар алмашилди;

– Австрия давлатининг Вена шаҳрида давлат молиясини бошқариш, бюджет жараёни ва ички аудит тизими билан яқиндан танишиб, малака оширилди;

– Венгрия давлатида давлат сектори учун ички аудиторлар тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш ва сертификатлашга оид тажрибалар билан танишиб, малака оширилди.

Жаҳон банки иштирокида “Институционал салоҳиятни ошириш лойиҳаси” доирасида Нидерландия давлатига амалга оширилган ташриф доирасида бюджет тизими, ички аудит ва ички назорат тизими билан яқиндан танишиб, тажрибалар алмашилди.

Мазкур ташриф доирасида ташкил этилган семинар ва тренинглarda **11 нафар** ходим иштирок этиб, ўз билим ва малакаларини оширдилар.

VII. Ички аудит хизматлари ходимларини малакасини оширишга қаратилган семинарлар (тренинглар)нинг ўтказилиши

1. Ички аудит хизматлари ходимлари учун ички назорат ва ички аудит фаолиятини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибалари, шунингдек, тегишли қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етказишга бағишланган **6 та** семинар ўтказилди, жумладан:

– Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA) дастури доирасида ички аудит хизматлари фаолиятининг баҳоланиши натижалари тўғрисида;

– “Давлат аудити” дастурий комплексдаги ўзгаришларни ички аудит хизматларига етказиш ва дастурдан фойдаланиш тўғрисида;

– “Давлат аудити” дастурида фуқаролар иштирокидаги аудитни ташкил этиш тўғрисида;

– Ички аудит фаолиятини ташкил этишнинг Австрия тажрибаси тўғрисида;

– Ички аудит ва ички назорат фаолиятини ташкил этишнинг Нидерландия тажрибаси тўғрисида;

– Ички аудит йиллик режасини ишлаб чиқиш ҳамда вазирлик ва идораларда хавфларни бошқариш тизимини йўлга қўйиш тўғрисида.

Мазкур семинарларда ички аудит хизматларида фаолият юритаётган **200 дан ортиқ** аудиторлар иштирок этиб, ўз малака ва тажрибаларини оширдилар.

VIII. Келгусидаги режалар

Давлат секторида ички назорат ва ички аудит тизимини ривожлантириш бўйича **2025 йил давомида** қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

– ички назорат ва аудит тизимининг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш мақсадида “**Давлат ички назорати ва ички аудити тўғрисида**”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади;

– вазирлик ва идораларда ички назорат тизимини халқаро тажрибаларга мувофиқ ташкил этиш, стандартлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида **“2025-2027 йилларда давлат органлари ва ташкилотларида ички назоратни ривожлантириш концепцияси” ва уни амалга ошириш “Йўл харитаси” ишлаб чиқилади;**

– вазирлик ва идораларда яхлит ва барча фаолиятни қамраб олувчи **хавфларни бошқариш тизими жорий этилади;**

– ички аудит хизмати ходимларини **сертификатлаш тизими халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилади;**

– ички аудит ўтказиш жараёнларини **рақамлаштиришнинг концепцияси ишлаб чиқилади;**

– ички аудит хизматлари **ЭНГ кам штат бирликлари сонини аниқлаш методикаси амалиётга жорий этилади;**

– ички аудит хизматлари раҳбари ва ходимлари фаолияти самарадорлигининг **рейтингини юритилади.**

Вазирлик ва идоралар веб-сайтларида яратилган махсус “ички аудит” бўлимларининг электрон ҳаволалари

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	Веб-сайтдаги электрон ҳавола
1	Адлия вазирлиги	https://adliya.uz/inner-page/ichki-audit-bolimi
2	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	https://gov.uz/oz/miit/sections/audit
3	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	https://www.imv.uz/static/ichki-audit
4	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	https://gov.uz/oz/bv/pages/ichki-audit
5	Маданият вазирлиги	https://gov.uz/oz/madaniyat/sections/ochiq-ma-lumotlar
6	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	https://gov.uz/uz/uzedu/sections/test
7	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	https://gov.uz/uz/edu/sections/ichki-audit
8	Рақамли технологиялар вазирлиги	https://digital.uz/oz/sections/accordance-budget/view/17177
9	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	https://gov.uz/uz/ssv/sections/ichki-audit
10	Спорт вазирлиги	https://gov.uz/oz/sport/sections/ichki-audit
11	Сув хўжалиги вазирлиги	https://gov.uz/uz/suvchi/pages/ichki-audit
12	Тоғ-кон ва геология вазирлиги	https://gov.uz/oz/mingeo/activity_page/ichki-audit
13	Транспорт вазирлиги	https://gov.uz/oz/mintrans/pages/ichki-audit
14	Экология вазирлиги	https://gov.uz/oz/eco/pages/korrupsiyaga-qarshi-amalga-oshirilayotgan-ishlar
15	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	https://gov.uz/oz/agro/pages/ichki-audit
16	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	https://mc.uz/oz/view-page/open-information
17	Миллий статистика қўмитаси	https://stat.uz/uz/haqida/ichki-audit
18	Рақобат қўмитаси	https://raqobat.gov.uz/qonunchilik-2/
19	Туризм қўмитаси	https://uzbektourism.uz/committee/auditing
20	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги	https://aoka.uz/category/33
21	Давлат активларини бошқариш агентлиги	https://davaktiv.uz/oz/menu/sluzhba-vnutrennego-audita

T/p	Вазирлик ва идоралар номи	Веб-сайтдаги электрон ҳавола
22	Ёшлар ишлари агентлиги	https://gov.uz/oz/yoshlar/sections/ichki-audit
23	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги	https://ihma.uz/oz/open-data-category/%d0%b8%d1%87%d0%ba%d0%b8-%d0%b0%d1%83%d0%b4%d0%b8%d1%82/
24	Кадастр агентлиги	https://kadastr.uz/uz/ichki-audit
25	Миллий ахборот агентлиги	https://uza.uz/uz/pages/ichki-audit-xizmati
26	Ўзархив агентлиги	https://archive.uz/post/ichki-audit-hujjatlari
27	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	https://gov.uz/oz/standart/pages/ochiq-ma-lumotlar-sifatida-joylashtirilishi-kerak-bolgan-ijtimoiy-ahamiyatga-molik-ma-lumotlar-ro-yxati
28	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси	https://pfru.uz/uz_Cyrl/pages/ichki-audit
29	Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси	https://dtsj.uz/uz/ichki-audit/
30	Маънавият ва маърифат маркази	https://manaviyat.uz/opendata/
31	Фанлар академияси	https://www.academy.uz/search?t=ichki+audit
32	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси	https://open.mtrk.uz/uz_Latn?menuId=47#

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 декабрдаги
ПҚ-422-сонли қарорига асосан ривожлантириш дастурлари ва
бюджет харажатларини мақсадли индикаторлари**

млрд сўмда

Т/р	Вазирлик ва идоралар номи	Молиялаш-тирилган маблағ	Самарадорлик индикаторлари сони	
			Бевосита	Якуний
ЖАМИ		123 088,6	293	186
1	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	49 231,9	9	8
2	Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги	18 354,6	19	3
3	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	11 657,0	6	7
4	Сув хўжалиги вазирлиги	10 130,6	4	3
5	Транспорт вазирлиги	8 368,9	8	6
6	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	5 541,4	16	9
7	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	5 165,0	50	30
8	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	2 648,0	7	5
9	Спорт вазирлиги	1 694,5	11	9
10	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	1 645,2	38	23
11	Маданият вазирлиги	1 204,0	10	8
12	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	1 181,5	8	4
13	Бандлик вазирлиги	921,5	21	8
14	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	889,7	3	10
15	Экология вазирлиги	820,9	14	6
16	Ёшлар ишлари агентлиги	577,4	5	3
17	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси	571,5	4	2
18	Энергетика вазирлиги	554,9	22	3
19	Фанлар академияси	430,6	4	4
20	Рақамли технологиялар вазирлиги	412,5	3	3
21	Адлия вазирлиги	277,3	6	13
22	Миллий статистика қўмитаси	218,8	3	1
23	Маданий мерос агентлиги	203,3	2	2
24	Солиқ қўмитаси	166,0	4	5
25	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	91,1	5	2
26	Маънавият ва маърифат маркази	72,4	4	1
27	Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги	37,1	3	2
28	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси	10,8	2	2
29	Давлат активларини бошқариш агентлиги	10,2	2	4

2024 йил давомида вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари

T/р	Назорат саволлари йўналиши	Солиқ кўмитаси	Бандлик вазирлиги	Миллий телерадио-компания	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Миллий ахборот агентлиги	Спорт вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Маданият вазирлиги	Қурилиш ва коммунал хўжалиги вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Фанлар академияси	Экология вазирлиги	Техник тартибга солиш агентлиги	Статистика кўмитаси	Сув хўжалиги вазирлиги
Сифат даражаси (фоизда)		86,3% (ўрта)	82,1% (ўрта)	81,4% (ўрта)	80,9% (ўрта)	76,5% (ўрта)	75,8% (ўрта)	73,7% (ўрта)	73,3% (ўрта)	72,4% (ўрта)	71,7% (ўрта)	67,1% (паст)	66,7% (паст)	56,6% (паст)	44,3% (паст)	42,4% (паст)
1	Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши	80%	100%	100%	90%	100%	100%	90%	50%	90%	90%	100%	85%	100%	100%	75%
2	Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши	100%	100%	100%	38%	100%	100%	50%	63%	100%	88%	100%	100%	100%	100%	63%
3	Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши	80%	50%	100%	100%	80%	80%	90%	80%	40%	90%	80%	80%	60%	20%	30%
4	Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси	100%	88%	50%	88%	75%	63%	63%	75%	50%	75%	75%	50%	25%	75%	38%
5	Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши	71%	100%	64%	100%	71%	83%	67%	67%	83%	29%	64%	33%	36%	0%	0%
6	Ииллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши	90%	70%	80%	50%	50%	50%	70%	70%	100%	70%	10%	40%	50%	20%	60%

Маълумот учун: Баҳолаш натижаларига кўра, ички аудит хизмати фаолиятининг сифат даражаси **90 фоиз ва ундан юқори** бўлганда "юқори", **70-90 фоиз оралиғида** бўлганда "ўрта", **70 фоиздан кам** бўлганда "паст" деб баҳоланади.